

ЁРҚИНОЙ ҲАМРАЕВА

**ФЕЪЛЛАР МИСОЛИДА
ИДЕОГРАФИК ЛУҒАТ ТУЗИШ**

ТОШКЕНТ



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АЛИШЕР НАВОЙИЙ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ
ИНСТИТУТИ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЁРҚИНОЙ ҲАМРАЕВА

**ФЕЪЛЛАР МИСОЛИДА
ИДЕОГРАФИК ЛУҒАТ ТУЗИШ**

ТОШКЕНТ - 2014

УЎК: 94 (575.151)
КБК 81.2Ў36-4
Ҳ-25

Ҳ-25 **Ёркиной Ҳамраева. Фейллар мисолида идеографик луғат тузиш. –Т.: «Fan va texnologiya», 2014, 120 бет.**

ISBN 978–9943–4350–0–1

Монографияда Ғарб ва Шарқда идеография назариясининг пайдо бўлиш ва шаклланиш тарихи, идеографик луғат турлари, бундай луғатда сўзларнинг жойлашув омиллари, феъл-лексемалар орқали ифодаланаётган тушунчаларнинг гуруҳланиш тартиби тадқиқ қилинган. Муаллиф ўзбек тилидаги феъл сўз туркумини семантик майдон нуқтаи назаридан таҳлил қилиш орқали келгусида ўзбек тили бўйича тузиладиган идеографик луғат макетини яратишга интиланган.

В монографии исследованы история возникновения и формирования теории идеографии на Западе и Востоке, виды идеографических словарей, факторы расположения слов в таких словарях, система классификации понятий выражаемых посредством глагольных лексем. На основе анализа глаголов узбекского языка с точки зрения семантического поля автор старается создать своеобразный макет будущего идеографического словаря узбекского языка.

The monograph explored the history and theory formation of ideography in the West and the East, the species of ideographic dictionaries, factors of arranging words dictionaries, the classification sistem of the concepts expressed by the verb tokens. On the base on the analisis of the verbs of the Uzbek language from the point of view of a semantik field, the autor tries to create a model of the future ideographic dictionary of the Uzbek language.

УЎК: 94 (575.151)
КБК 81.2Ў36-4

Масъул муҳаррир: Б.Менглиев – филология фанлари доктори, профессор.

Такризчилар: Э.Умаров – ЎзРФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти, филология фанлари доктори, профессор;

Х.Жабборов – Қарши давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедрасининг мудири, доцент;

О.Бегимов – Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти тиллар кафедрасининг мудири, доцент.

Монография Қарши давлат университетининг 2014 йил 28 февралдаги илмий Кенгашининг (7-сонли баённома) қарорига асосан нашр этилди.

ISBN 978–9943–4350–0–1

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2014.

КИРИШ

Ҳар бир сўз ортида товуш, вазият ва тушунчавий алоқалар системаси ётади. Меъёрий ҳолатда баъзи алоқалар (масалан, образлилик) сиқиб чиқарилади, маъновий алоқалар етакчилик қилади.

А.Р.Лурия

Инсоннинг билиш фаолияти кенг қамровли бўлиб, у бутун ҳаёти давомида ўзи ва жамият учун янгидан-янги нарсаларни кашф этиб бораверади.

Шарқ ва Ғарб уйғониш даврида аниқ фанлар соҳасида амалга оширилган оламшумул ишлар натижасида борлиқнинг яхлит бир бутунлик, ягона системадан иборат эканлиги узил-кесил ўз исботини топди. Ўтган асрнинг охириги чораги ва ХХІ аср бошларида илм-фан, техника соҳасида эришилган ва эришилаётган улкан ютуқлар яна шуни кўрсатадики, олам муайян ички қонуниятлар асосида мангу ҳаракатланувчи сон-саноксиз элементлардан ташкил топган мегасистемадир. Унинг тузилиши ўта мураккаб бўлиб, фақат инсонгина олам қонуниятларини билишга қодир. Бу йўлда унга унинг энг яқин ёрдамчиси бўлган ТИЛ катта ёрдам беради. «Тил фикр, хис-туйғу, истак кабиларни ифодалашда хизмат қилувчи фонетик, лексик ва грамматик воситалар тизими, кишилар орасида асосий ва энг муҳим алоқа--аралашув ва фикрлашув қуроли» сифатида олам ва унинг онтологиясини ўзида тўла акс эттиради¹.

Маълумки, «Тил бевосита кузатишда берилмаган. У жамият аъзолари онгида мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси учун тайёр, умумий, мажбурий бўлган, фикрни шакллантириш ва уни ифодалашга хизмат қиладиган бирликлар ҳамда уларнинг ўзаро муносабатлари ҳақидаги тасаввурлар йиғиндиси»². Бундан

¹ Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент: ЎЗМЭ Давлат илмий нашриёти, 2002. – Б. 105.

² Неъматов Х., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – Б.7.

шу нарса англашиладики, олам яхлит бир бутунлик, система саналар экан, унинг ўзига хос инъикоси ҳисобланган тил ҳам система, тўғрироғи, системалар системасидир³. Мана шу системани ташкил этаётган қисмларнинг ўзаро муносабатларини ўрганиш ва мазкур системани бус-бутунлигича ўзида акс эттирувчи луғатлар яратиш замонавий тилшуносликнинг асосий вазифаларидан биридир.

Тилнинг энг муҳим белгиларидан бири бу унинг дискретлиги, яъни бўлинувчанлигидир. Тил фонетик, морфемик, лексик, синтактик ва суперсинтактик сатҳларнинг диалектик бирлиги, узвийлиги асосига қурилган. Тил системасидаги бир-ликлар ичида «ҳар томонлама, маъно жиҳатдан ранг-баранг, энг мураккаб бирлик бу лексемадир. Ҳар бир сўз (лексема) муайян томон ва муносабатларнинг диалектик бирлигига, ўзида мавжуд белги-хусусият ва жиҳатларига, уларни бевосита ташишига кўра алоҳида ажралиб туради⁴. Шунга кўра, ўзбек тилининг луғат жамғармасидан ўрин олган ҳар бир сўзни атрофлича тадқиқ этиш, унинг онтологик, гносеологик, грамматик, формал-функционал, семантик, прагматик, артикуляцион-акустик ва бошқа томонларини мукамал ўрганиб чиқиш ҳозирги ўзбек тилшунослигининг энг долзарб масалаларидан биридир. Зеро, «тайёрлик, мажбурийлик, такрорланувчанлик, ижтимоийлик каби хусусиятларни ўзида мужассам этган, шакл ва денотатив маъно бирлигидан иборат бўлган мустақил англаниш ва қўлланиш доирасига кўра» ҳеч қайси тил бирлиги сўзга тенг кела олмайди⁵. Шу боис кейинги йилларда лексик сатҳни тадқиқ этишга қизиқиш янада кучайди. И.Қўчқортоев, Ш.Раҳматуллаев, Ҳ.Неъматов, Р.Расулов, А.Нурмонов, Н.Маҳмудов, М.Миртожиев, О.Бозоров, Б.Менглиев, Ш.Искандарова, А.Собиров, М.Абдиев, Р.Сафарова, М.Нарзиева, Ш.Орифжонова, Б.Қиличев, Г.Неъматова, Н.Нишонова ва бошқа тадқиқотчилар томонидан лексик сатҳнинг системавий-структур хусусиятлари тадқиқ этилди, унинг кейинги истиқболлари белгилаб берилди. Бу нарса лексикология билан параллел равишда ривожланувчи, ўзида муайян даврда яшаган

³ Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование. – М.: «Наука», 1971. – С. 11-90.

⁴ Расулов Р. Сўз валентлиги ва синтактик алоқа // Ўзбек тили ва адабиёти, 1992. №5-6. – Б. 38.

⁵ Менглиев Б.Р. Лисоний тизим яхлитлигида лексик сатҳ ва унинг бирлиги масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2001. - №6. – Б. 32.

халқнинг ижтимоий ҳаёти, касб-кори, қизиқишлари, интилишлари, илм-фани, маданияти ва санъатини тўлиқ ақс эттирувчи лексикография – луғатшунослик такомилга ҳам жиддий таъсир кўрсатди. Айниқса, ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши, мустақилликнинг қўлга киритилиши барча фанлар қатори луғатшуносликда ҳам туб бурилишлар ясади. Тилимизда олдиндан мавжуд бўлган тарихий, қомусий, таржима луғатлари қаторига этимологик, антропонимик, диалектал ва ҳоказо луғатлар келиб қўшилди⁶. Техника, иқтисодиёт, аниқ фанлар йўналишида кўплаб янги луғатлар, маълумотномалар, сўзлашгичлар яратилди. Лекин давр ўзгаришларига нисбатан оладиган бўлсак, луғатчилигимиз ютуқлари сирасида талай муаммолар ва камчиликларнинг ҳам мавжудлигини инкор этиб бўлмайди.

Президентимиз И.А.Каримов «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида: «... фундаментал фанлар, замонавий коммуникация ва ахборот технологиялари, банк-молия тизими каби ўта муҳим соҳаларда она тилимизнинг қўлланиш доирасини кенгайтириш, этимологик ва қиёсий луғатлар нашр этиш, зарур атама ва иборалар, тушунча ва категорияларни ишлаб чиқиш, бир сўз билан айтганда, ўзбек тилини илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш миллий ўзликни, Ватан туйғусини англашдек эзгу мақсадларга хизмат қилиши шубҳасиз»⁷, дея таъкидлаган бўлса, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да «ўзбек мактабларини битирган болаларнинг қисилиб қолмаслиги, хорижий тилларни ўрганишда тўсиқларга дуч келмаслиги», уларнинг она тили ва чет тилларининг ажиб дунёсига бемалол киришлари учун луғатлар яратиш лозимлиги алоҳида уқтирилган⁸. Бугунги хатти-ҳаракатларимиз ва интилишларимизнинг негизида мана шу эзгу мақсаднинг ётгани ҳеч кимга сир эмас. Бинобарин, жамият аъзоларининг мустақил фикрлаши, равон ва гўзал нутққа эга бўлишлари учун уларга дарсликлар, бадиий ва илмий адабиётлар билан бир қаторда луғатлар яқиндан ёрдам беради. Сабаби

⁶ Қаранг: Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. – Тошкент: ЎзМУ. – I том, 2000; Бегматов Э. Ўзбек исмлари. – Тошкент: Қомуслар бош тахририяти, 1991; Ишаев А. Ўзбек диалектал лексикографияси. – Тошкент: Фан, 1990.

⁷ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б.87.

⁸ Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Шарқ нашриёт матбаа концерни, 1997. – Б. 8-9.

луғатлар «миллий тиллар нутқ маданиятининг кудратли курули бўлиши билан бирга, айна замонда ана шу маданиятнинг маҳсули ҳамдир»⁹. Шу маънода инсон ҳаётида луғатларнинг ўрни бекиёс: ўзимиз билмаган, тушунмаган нарсаларнинг изоҳини луғатлар ёрдамидагина англаб етамиз. Зеро, академик Л.В.Щерба таъкидлаганидек: «Миллий тилларнинг луғатлари ҳақиқий хазина, миллий тушунчалар, миллат ҳаёти ва ақлининг ўзига хос комусидир»¹⁰. Бундан ўзбек тили луғатлари ҳам мустасно эмас.

Ўзбек луғатчилиги тарихини кўздан кечирадиган бўлсак, ундаги ўзгаришларнинг ижтимоий ҳаётдаги туб бурилишларга боғлиқ ҳолда кечганлигини кузатишимиз мумкин.

Мутахассислар тарихий шароитнинг турли талаблари билан луғатларнинг янги типлари яратилганлигини таъкидлаб, туркий, хусусан, ўзбек луғатчилиги тарихини шартли равишда тўрт даврга бўладилар.

1. XI-XIII асрлар. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит – турк» ва муаллифи номаълум бўлган «Аттуҳфатуз-закияти фил-луғатит туркия» бу давр луғатчилигининг энг ёрқин намуналари саналади. Луғат тузиш тамойиллари, сўзларнинг берилиши ва асосланиши, айниқса, луғат ишига грамматик категорияларнинг сингдириб юборилиши жиҳатидан бу икки луғатга тенг келадиган нодир луғат ҳали дунё тилшунослигида яратилган эмас¹¹. Мазкур луғатлар бўйича Ҳ.Ҳасанов, Э.Фозилов, С.Муталлибов, М.Зияева ва бошқалар текстологик ва лексикографик тадқиқотлар олиб боришган. Луғатларнинг тарихий ва лисоний хусусиятларини тўлалигича китобхонларга етказишган.

2. XV асрдан 1862 йилгача бўлган давр. Бу даврда Толе Ҳиравийнинг «Бадое ал-луғат», Мустафо бинни Содикнинг «Абушқа», Мирзо Маҳдихоннинг «Санглоҳ» луғатлари яратилди. Ушбу луғатлар Х.Вамбери, В.В.Вильяминов-Зернов, А.К.Боровков, Б.Ҳасанов, Э.Фозилов, Э.Умаров, Н.Расулова, Ш.Файзуллаева, А.Иброҳимова томонидан кенг ўрганилган¹². Луғатшунос

⁹ Юсупхўжаева Ҳ. Ўзбек тили изоҳли луғатида феълларнинг ишланиши. – Тошкент: Фан, 1988. – Б. 3.

¹⁰Щерба Л.В. О словарях живого литературного языка // Современная русская лексикология. – М.: Наука, 1966. – С. 74-75.

¹¹ Звегинцев В.А. История арабского языкознания. – М.: МГУ, 1958; Нурмонов А., Маҳмудов Н. Ўзбек тилшунослиги тарихи. – Тошкент: Камолот-Қатортол, 2002.

¹²Нурмонов А., Маҳмудов Н. Ўзбек тилшунослиги тарихи. – Тошкент: Камолот-Қатортол, 2002.

Э.Умаровнинг таъкидлашича, бу луғатлар «ўзбек тилининг XV асрдан то XIX асргача ривожланиб, ўзгариб келганлигини кўрсатувчи илмий кўзгу. Тилимиз тараққиётидаги ўзгаришларни бу луғатларсиз ўрганиб бўлмайди»¹³.

3. 1887 йилдан 1917 йилгача бўлган давр. Бу давр луғатларнинг тармоқланиши, айниқса, икки тилли (русча-ўзбекча) луғатларнинг нашр этилиши билан характерланади.

А.Старчевскийнинг «Спутник русского человека в Средней Азии» (13000 сўз), Ш.Ишаевнинг «Краткий русско-сартовский и сартовско-русский словарь», В.Наливкин, М.Наливкиналарнинг «Русско-сартовский и сартовско-русский словарь общеупотребительных слов с приложением краткой грамматики по наречиям Наманганского уезда» (8500+4200 сўз), С.Лапиннинг «Карманный русско-узбекский словарь» сингари луғатлари шулар жумласидандир. Ушбу луғатларнинг мазмуни ва моҳияти С.Аширбоев, Л.Г.Чичулина, А.Мадвалиевларнинг ишларида ёритилган¹⁴.

4. 1917 йилдан кейинги давр. Бу даврда ўзбек луғатшунослиги ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан бойиди. Айниқса, олти томли «Русча-ўзбекча луғат» (1950-1956 й.), «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» (1981 й.), «Русча-интернационал сўзлар изоҳли луғати» (1965 й.), «Ўзбек Совет энциклопедияси», «У ким? Бу нима? Болалар энциклопедияси», «Уй-рўзғор энциклопедияси», «Саломатлик энциклопедияси» сингари луғатларнинг яратилиши халқимиз ҳаётида муҳим воқеа бўлди.

А.Ҳожиёвнинг «Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати» (1974), Ш.Раҳматуллаевнинг «Ўзбек тили фразеологизмларининг изоҳли луғати» (1978), М. Собировнинг «Математикадан русча-ўзбекча луғат» (1977), Н. Ҳатамовнинг «Адабиётшуносликдан қисқача русча-ўзбекча луғат» (1960), «Имло луғати» (1976), Р.Қўнғуров ва А.Тихоновларнинг «Ўзбек тилининг чаппа луғати» (1968), «Ўзбек тилининг орфоэпик луғати» (1977), А.Ғуломов, А.Тихонов ва Р.Қўнғуровларнинг «Ўзбек тилининг морфем

¹³ Умаров Э. Эски ўзбек луғатлари. – Тошкент: Кўлөзмалар институти босмаҳонаси, 1992. – Б. 34.

¹⁴ Аширбоев С. Из истории изучения грамматического строя узбекского языка: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1975; Чичулина Л.Г. Из истории узбекского языкознания: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1975; Мадвалиев А. Луғат ва луғат турлари хусусида // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2008. - №1. – Б. 60-64.

луғати» (1977) каби луғатлар ўз даврида катта аҳамиятга эга бўлди. Бу даврда яратилган луғатларнинг барчаси учун хос бўлган хусусиятлар сифатида қуйидагиларни таъкидлаб ўтиш ўринлидир.

1. Ўзбек халқининг маънавий дунёси бойиди, илм-фан, техника, санъат ва маданияти юксалди. Бу ўзгаришлар луғатларда яққол ўз ифодасини топди.

2. Ижтимоий ҳаётдаги туб ўзгаришлар туфайли ўзбек тилига сон-саноксиз янги лексик бирликлар кириб келди ва улар тегишли луғатлардан ўрин эгаллади.

3. Ўзбек тилида луғат яратиш назарияси ва амалиёти билан шуғулланувчи етук мутахассислар тарбия топди (П.Шамсиев, С.Иброҳимов, С.Муталлибов, Э.Фозилов, А.Ҳожиев, Т.Алиқулов, О.Усмон, Р.Дониёров, Р.Қўнғуров, Ш.Раҳматуллаев, Э.Умаров, Б.Юсуф ва бошқалар).

4. Луғатларнинг турлари кўпайди (қомусий, морфем, орфографик, фразеологик, диалектал, чаппа, турли соҳавий луғатлар пайдо бўлди)¹⁵.

5. Кичик ҳажмдаги луғатлар билан бир қаторда ўртача ва йирик ҳажмдаги луғатлар юзага келди.

6. Фақат русча-ўзбекча эмас, балки инглизча-ўзбекча, ўзбекча-инглизча, немисча-ўзбекча, форсча-ўзбекча ва ҳоказо луғатлар нашр этилди.

Шу билан биргаликда бу давр луғатчилигида жиддий камчиликлар ҳам кўзга ташланади.

1. Яратилган луғатларда шўролар тузумининг ҳукмрон мафқураси яққол кўзга ташланиб турарди. Ҳатто сиёсатдан холи бўлган имло, синонимик, орфоэпик, қўшма сўзлар луғатларида ҳам лексемаларни изоҳлаш учун мисол танланганда ҳукмрон мафқурага мос келиш-келмаслиги эътиборга олинарди.

2. Луғатларни яратишда эътибордаги шахсларнинг гапи биринчи навбатда ҳисобга олинарди. Шу боис, ўзбек халқининг миллий қадриятлари билан боғлиқ лексемаларни изоҳлашда сунъий изоҳларга, чалкашликларга йўл қўйилди. Масалан, Р.Абдурахмонов, В.В.Решетов каби олимлар таҳрири остида

¹⁵ Ўзбек тили лексикологияси. – Тошкент: Фан, 1981. – Б. 299-312; Мадвалиев А. Термин – терминологик луғат – изоҳли луғат // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2008. - №6. – Б. 54-67.

нашр этилган «Русча-ўзбекча луғат»ларда «*полевод*» сўзи «*дала мудири*» тарзида таржима қилинган¹⁶.

3. Рус тилида «Школьный математический словарь», «Этимологический словарь юного филолога», «Школьный словообразовательный словарь» каби юзлаб ўқув характеридаги луғатлар ҳам яратилгани ҳолда ўзбек тилида узоқ вақтлар мобайнида имло ва таржима луғатларини қайта нашр қилишдан нарига ўтилмади. Бу ҳол, табиийки, тил ўргатиш ишларида кўплаб муаммоларни келтириб чиқарди.

Юртимизнинг халқ орзусидаги истиқлолга эришуви натижасида буларнинг барчасига чек қўйилди. Жуда қисқа давр ичида қуйидаги оламшумул ишлар амалга оширилди.

1. Луғатшунослик назарияси ва амалиётига бағишланган илмий методик характеридаги ишлар бажарилди, номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди¹⁷. Бунинг пировард натижасида янги талқиндаги беш жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» яратилди.

2. Мустақиллик мафкураси билан суғорилган турли луғатлар, хусусан, Н.Мирзаевнинг «Ўзбек этнографизмларининг изоҳли луғати» (1991), Н.Тўхлиев, А.Ўлмасовларнинг «Ишбилармонлар луғати» (1993), «Мустақиллик илмий-оммабоп луғати» (1994), С.Қораевнинг «Ўзбекистон топонимларини ҳосил қиладиган асосий терминлар ва бошқа сўзлар луғати» (2001), А.Ҳожиёвнинг «Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати» (2002), Ш.Раҳматуллаевнинг «Ўзбек тилининг этимологик луғати» (2002), «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар (қисқа изоҳли тажрибавий луғат)» (2002), 12 жилдли «Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси» (2000-2006), Э.Бегматов, Н.Улуқовларнинг «Ўзбек ономастикаси терминларининг изоҳли луғати» (2006), «Иш юритиш бўйича электрон луғат» (2006) сингари луғатлар яратилди. Улардан халқимизнинг бой маънавий хазинаси ўз ўрнини топди.

¹⁶Русско-узбекский словарь. Под ред. Р.Абдурахманова. – М.: Гос. изд-во иностранных и национальных словарей, 1954. – С. 596; Русско-узбекский словарь. Под общим руководством В.В.Решетова. – Ташкент: Укитувчи, 1972. – С. 363.

¹⁷ Қаранг: Ҳожиёв А. Ўзбек тилининг кўп жилдли изоҳли луғатини тузувчилар учун йўриқнома. – Тошкент, 2000; Зайниддинова Н. Машғуллик семасига эга бўлган шахс отларининг лексикографик талқини: Филол. фан. номз. ... дис. автореф. – Тошкент, 2004 ва бошқалар.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/765> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/765> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/765>